

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, МАТЕМАТИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

МАМАДАЛИЕВ НОДИРБЕК КАМОЛДИНОВИЧ

**ЯРИМ АДДИТИВ ФУНКЦИОНАЛЛАР ФАЗОСИНИНГ
КАРДИНАЛ ВА ТОПОЛОГИК ХОССАЛАРИ**

01.01.04 – Геометрия ва топология

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2019

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
physical-mathematical sciences**

Мамадалиев Нодирбек Камолдинович

Ярим аддитив функционаллар фазосининг кардинал ва топологик
хоссалари. 3

Мамадалиев Нодирбек Камолдинович

Кардинальные и топологические свойства пространства полуаддитивных
функционалов. 17

Mamadaliyev Nodirbek Kamoldinovich

Cardinal and topological properties of the space of semiadditive functionals.... 31

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 34

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, МАТЕМАТИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

МАМАДАЛИЕВ НОДИРБЕК КАМОЛДИНОВИЧ

**ЯРИМ АДДИТИВ ФУНКЦИОНАЛЛАР ФАЗОСИНИНГ
КАРДИНАЛ ВА ТОПОЛОГИК ХОССАЛАРИ**

01.01.04 – Геометрия ва топология

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2019

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD\FM95 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация ЎзРФА В.И.Романовский номидаги Математика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ik-fizmat.nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бешимов Рўзиназар Бебутович
физика-математика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Владимир Иванович Чилин
физика-математика фанлари доктори, профессор

Жураев Турсунбай Файзиевич
физика-математика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент архитектура қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Математика институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ кунни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А. Садуллаев

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор,
академик

Ғ.И. Ботиров

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.н.

А.Я. Нарманов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда ярим аддитив функционаллар ва ковариант функторлар назарияси масалаларини тадқиқ қилишга келтирилади. Ярим аддитив функционаллар фазосининг кардинал инвариантларини таққослаш функционал анализ, геометрия, топология каби соҳалардаги тадқиқотларнинг объектидир. Ярим аддитив функционаллар фазоларининг кардинал инвариантларини таққослаш топологик фазолар кардинал сонларининг тенг бўлиш шартларини топишда асос сифатида хизмат қилади. Шунинг учун ярим аддитив функционаллар фазосининг кардинал инвариантларини таққослаш фазоларнинг кардинал инвариантларини тадқиқ қилиш, кучсиз функционаллар фазоси, алгебраик топология ва кардинал инвариантлар назариясининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб келмоқда. Шунингдек, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика масалаларининг турли моделларини яратишда ўз талқинига эга бўлганлиги сабабли, ярим аддитив функционалларнинг кардинал инвариантлари назарияси бўйича олинган натижалар ҳам назарий, ҳам тадбиқий жиҳатдан аҳамиятли ва замонавий математиканинг долзарб йўналишларидан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда жаҳонда ярим аддитив функционаллар фазоларининг кардинал инвариантларини таққослаш, кардинал инвариантлар ва ковариант функторлар назарияси масалаларини ечиш замонавий топологиянинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Компакт элтувчили ярим аддитив функционаллар фазосининг зичлиги, салмоғи, Шанин сони, локал сушт зичлиги каби кардиналларини тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада: берилган фазо ва унинг компакт элтувчили ярим аддитив функционаллар фазоси кардиналларини таққослаш; кардинал инвариантларнинг тенг бўлиш шартларини топиш; ярим аддитив функционаллар функторини компакт фазолар категориясидан Тихонов фазолари категорисигача давом эттириш масалалари мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий тадқиқига эга бўлган геометрия ва топологиянинг долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, топологик фазоларнинг кардинал инвариантлари ва функторлар назарияси масалаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Ярим аддитив функционаллар ҳамда эҳтимол ўлчовлари фазосининг топологик, геометрик ва кардинал хоссалари сақланишига оид салмоқли натижаларга эришилди. “Функционал анализ, геометрия ва топология фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари” этиб белгиланди¹. Қарор ижросини таъминлашда алгебра ва функционал анализ масалаларини ҳал этишнинг топологик назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 292-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947 “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” Фармони, 2017 йил 17 февралдаги № ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 27 апрелдаги № ПҚ-3682 “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Топологик фазолар ва уларнинг акслантиришлари категориясида таъсир қилувчи ковариант функторларни тадқиқ қилиш топология математиканинг алоҳида соҳаси сифатида ажралиб чиққан пайтлардаёқ бошланган. Компактлар категориясида ҳаракатланувчи ковариант функторларнинг классик намунаси сифатида пайдо бўлиши Хаусдорф ва Виеторислар номлари билан боғлиқ бўлган экспоненциал операция функтори хизмат қилади.

Е.В.Шепин илмий ишларида ковариант функторларнинг залворли ва кенг қамровли назарияси яратилган. У функторларнинг қатор табиий ва кенгроқ аҳамият касб этувчи хоссаларини ажратиб кўрсатган ҳамда нормал функтор тушунчасини киритган. Т.Радул эса компакт фазолар ва уларнинг узлуксиз акслантиришлари категориясида таъсир қилувчи суст аддитив тартибни сақловчи нормаланган функционаллар функторини тадқиқ қилишни бошлаб берди. Т. Радул томонидан аниқланган функторнинг нормал функтор эмаслиги кўрсатилган, бу эса бу функторни тадқиқ қилиш нормал функторларни ўрганишга қараганда бирмунча мураккаброқ эканлигини англатади. Ушбу функторнинг пайдо бўлиши сўнги пайтларда ночизикли функционаллар назариясининг ривожланаётганлиги билан боғлиқ.

А.А.Зайтов O функторни $O \circ \beta$ функторгача давом эттириб, унинг категорик хоссаларини ўрганган. Р.Бешимов эса O функтор Тихонов фазолар категориясида таъсир қилувчи функторгача давом эттирган. Д.Э.Давлетов X компактнинг барча узлуксиз функциялари фазосида аниқланган суст аддитив, тартибни сақловчи, нормаланган, мусбат бир жинсли ва ярим аддитив функционалларни тадқиқ қилиб, ярим аддитив функционаллар фазосининг алгебраик ўлчамларини ўрганган. Шунингдек, Д.Э.Давлетов томонидан компактда аниқланган функционалнинг ярим аддитив бўлиши учун зарур ва етарли шарт ишлаб чиқилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Ф4-ФА-Ф-27 «Топологик фазолар категориясида ҳаракатланаётган баъзи ковариант функторларнинг топологик ва кардинал хоссаларини тадқиқ қилиш» (2012-2016 йиллар) мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ярим аддитив функционаллар фазосининг кардинал ва топологик хоссаларини ҳамда бу фазога турли типдаги узлуксиз акслантиришларнинг таъсирини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

топологик фазоларнинг локал суств зичлик хоссасини тадқиқ қилиш; локал суств зичликнинг кўпайтмада сақланишини исбот қилиш ҳамда бу хоссани сақловчи турли акслантиришларни топиш;

чекли элтувчили эҳтимоллар фазосининг зичлигини баҳолаш ҳамда ярим аддитив функционаллар фазосининг кардинал ва топологик хоссаларини таққослаш;

компакт фазолар категориясида аниқланган ярим аддитив функционаллар функторининг Тихонов фазолар категориясидаги давомини аниқлаш;

ярим аддитив τ -силлиқ функционаллар фазосининг топологик ва категорик хоссаларини тавсифлаш.

Тадқиқотнинг объекти ярим аддитив функционаллар фазоси, чекли элтувчили эҳтимол ўлчовлари фазоси, стратифик фазолар ва ярим аддитив τ -силлиқ функционаллар функторидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети ярим аддитив функционаллар фазосининг топологик хоссалари, стратифик фазолар кардинал хоссалари, ярим аддитив τ -силлиқ функционаллар функторининг хоссаларини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида функционал анализ, ковариант функторлар, тўпламлар назарияси, ночизикли функционаллар назарияси ҳамда умумий топология масалаларини ечиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

стратифик фазолар учун Лиделёф сони, зичлик, суств зичлик, Суслин сони, тўр салмоғи ва π -тўр салмоғи ўзаро тенг эканлиги исботланган;

ҳар қандай келтирилмас мукамал акслантириш чексиз топологик фазоларнинг локал суств зичлигини сақлаши исбот қилинган;

чекли элтувчили эҳтимол ўлчовлари функторининг зичликни сақлаши исботланган;

Тихонов фазолари категорияси $Tych$ да таъсир этувчи ҳамда OS ярим аддитив функционаллар функторини давом эттирувчи ярим аддитив τ -силлиқ функционаллар функтори OS_τ аниқланган;

OS_r функтор O_r функтордан фарқли равишда прообразлар ҳамда Тихонов фазоларининг ёпиқ тўпламлари кесишмасини сақлаши, яъни нормал функтор эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари ярим аддитив функционаллар фазосининг кардинал ва топологик хоссаларини тадқиқ қилиш натижалари эҳтимоллар назарияси ва математик статистика масалаларининг турли моделлари учун Тихонов фазолар ва уларнинг узлуксиз акслантиришлари категориясида ҳаракатланувчи нормал функторнинг аниқланишида қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Умумий топология, тўпламлар назарияси, функторлар назарияси ва кардинал инвариантлар назарияси усулларидаан фойдаланилганлиги ҳамда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти эҳтимол ўлчовлари фазоси, сустр аддитив функционаллар фазоси ҳамда топологик группаларда зичлик, салмоқ, характер, Шанин сони, Суслин сони, сустр зичлик ва калибр каби кардинал инвариантлар сақланишини исботлашда қўлланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ярим аддитив функционаллар фазоларининг топологик ва кардинал хоссаларини тадқиқ қилиш эҳтимоллар назарияси ва математик статистик масалаларининг турли моделлари учун Тихонов фазолар ва уларнинг узлуксиз акслантиришлари категориясида ҳаракатланувчи нормал функторнинг аниқланишида амалий асос бўлиб хизмат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ярим аддитив функционаллар фазосининг кардинал ва топологик хоссаларига оид олинган натижалар асосида:

OS_r функторининг нормал функтор эканлигини кўрсатиш «Текис ўлчовли топология ва текис узлуксиз акслантиришлар ҳамда уларнинг топологик алгебра ва функционал анализга тадбиқлари» номли грант лойиҳасида текис фазоларнинг топологик ва кардинал хоссаларига оид муҳим масалаларни ечишда фойдаланилган (Қирғизстон Миллий университетининг 2018 йил 21 майдаги 01/1197 рақамли маълумотномаси). Олинган натижаларнинг қўлланилиши Тихонов фазоларида ҳаракатланаётган текис ўлчовли фазоларнинг гиперфазосида салмоқ, характер, зичлик, сустр зичлик, Суслин сони ва Шанин сони каби кардинал инвариантларни баҳолаш имконини берган;

стратифик фазолар учун Лиделёф сони, зичлик, сустр зичлик, Суслин сони, тўр салмоғи ва π -тўр салмоғи ўзаро тенглигидан «Компьютер моделлаштириш, асимптотик, топологик ва аналитик методларнинг динамик системаларнинг турғунлик назарияси, тескари турдаги масалаларнинг ечилиши, иқтисодий ва геофизик жараёнларга тадбиқлари ва ривожланиши» грант лойиҳасида Тихонов фазоларида ҳаракатланаётган ковариант функторларининг кардинал инвариантларини таққослаш масалаларини

ечишда фойдаланилган (Қирғизстон Республикаси Фанлар Академияси Математика институтининг 2018 йил 14 ноябрдаги 0007125 рақамли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши Тихонов фазоларидаги ковариант функторларнинг кардинал инвариантлари ва умумий топология масалаларини ечиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та Халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси хорижий ва 2 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 76 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Топологик фазоларнинг ковариант функторлари ва ярим аддитив функционаллар фазоси**» деб номланувчи биринчи боби иккита параграфдан иборат. Диссертациянинг ушбу бобида келгусида қўлланилувчи зарурий тушунча ва маълумотлар келтириб ўтилган. Қуйидаги кардиналларнинг таърифлари берилган: тўр салмоғи, π -тўр салмоғи, салмоқ, π -салмоқ, зичлик, суст зичлик, характер, π -характер, Суслин сони, калибр, олдкалибр, Шанин сони ва олд Шанин сони. Шунингдек, биринчи бобда гиперфазолар, суст аддитив функционаллар фазолари, эҳтимол ўлчовлари фазолари, категориялар ҳамда Шепин маъносидаги нормал функторлар таърифлари келтирилган.

Бизга $C = \{Q, M\}$ ва $C' = \{Q', M'\}$ категориялар берилган бўлсин. Объектни объектга, морфизмни морфизмга ўтказувчи ва қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи $F: C \rightarrow C'$ акслантириш C категорияни C' категорияга ўтказувчи ковариант функтор дейилади:

F1) C категориядан олинган ҳар қандай $f : X \rightarrow Y$ морфизм учун $F(f)$ морфизм $F(X)$ дан $F(Y)$ га ҳаракатланса;

F2) ҳар қандай $X \in Q$ объект учун $F(\text{id}_X) = \text{id}_{F(X)}$ тенглик ўринли бўлса;

F3) $f \circ g$ композиция аниқланган ҳар қандай f ва g морфизмлар учун $F(f \circ g) = F(f) \circ F(g)$ тенглик ўринли бўлса.

Айтайлик $F : \text{Comp} \rightarrow \text{Comp}$ – ихтиёрий ковариант функтор бўлсин.

Ҳар қандай $S = \{X_\alpha, \pi_\alpha^\beta, A\}$ тескари спектр учун ушбу $F(S) = \{F(X_\alpha), F(\pi_\alpha^\beta), A\}$ тескари спектр аниқланган бўлиб, $F(\pi_\alpha) : F(\lim S) \rightarrow F(X_\alpha)$ акслантиришлар лимити $\pi : F(\lim S) \rightarrow \lim F(S)$ гомеоморфизм бўлса, F ковариант функтор узлуксиз дейилади.

Ҳар қандай X чексиз компакт учун $w(F(X)) = w(X)$ тенглик ўринли бўлса, у ҳолда F функтор салмоқни сақловчи функтор дейилади.

Ҳар қандай X компактни Y компактга ўтказувчи i жойлаштириш учун $F(i) : F(X) \rightarrow F(Y)$ акслантириш ҳам жойлаштириш бўлса, у ҳолда F функтор мономорф дейилади. F функторнинг мономорф эканлиги $A \subset X$ қисм фазо учун $F(A)$ фазони $F(X)$ нинг қисм фазоси сифатида қараш имконини беради.

Устига акслантиришларни сақловчи функтор эпиморф функтор деб аталади.

Ҳар қандай $\{B_\alpha : \alpha \in A\}$ компакт фазонинг ёпиқ тўпламалар оиласи учун

$$F\left(\bigcap_{\alpha \in A} B_\alpha\right) = \bigcap_{\alpha \in A} F(B_\alpha)$$

шартни қаноатлантирувчи F функтор кесишмани сақловчи функтор деб аталади.

Узлуксиз, салмоқни, кесишмани ҳамда прообразларни сақловчи, мономорф, эпиморф, бўш тўпламни бўш тўпламга, бир нуқтали тўпламни бир нуқтали тўпламга ўтказувчи $F : \text{Comp} \rightarrow \text{Comp}$ функтор нормал функтор деб аталади.

Нормалликнинг прообразларни сақлашдан бошқа барча шартларини қаноатлантирувчи функтор сушт нормал функтор дейилади.

Диссертациянинг **“Топологик фазоларнинг локал сушт зичлиги ҳамда чекли элтувчили ярим аддитив функционаллар фазосининг зичлиги”** деб номланувчи иккинчи боби тўрт параграфдан ташкил топган. Диссертациянинг бу бобида стратифик фазолар ҳамда занжирланган системалар фазоларининг кардинал хоссалари тадқиқ қилинган, ҳар хил турдаги акслантиришлар таъсирида локал сушт зичлик сақланиши текширилган. Шунингдек, чекли элтувчили ярим аддитив функционаллар фазосининг зичлиги ўрганилган.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфида стратифик фазолар ҳамда занжирланган системалар фазоларининг кардинал хоссалари тадқиқ

қилинган. Стратифик фазолар учун Лиделёф сони, зичлик, сустр зичлик, Суслин сони, тўр салмоғи ва π -тўр салмоғи ўзаро тенг эканлиги исботланган. Бундан ташқари, компакт максимал занжирланган система (КМЗС) тушунчаси киритилган ва КМЗСлар фазосининг қатор кардинал хоссалари исботланган.

Бирор X топологик фазонинг ёпиқ қисм тўпламларидан иборат $\xi = \{F_\alpha : \alpha \in A\}$ оиланинг ҳар қандай икки элементи ўзаро кесишса, бу ξ система занжирланган система деб аталади. Ҳар қандай занжирланган системани максимал занжирланган системага (МЗС) тўлдириш мумкин, аммо бундай тўлдириш ягона равишда аниқланиши шарт эмас. X фазонинг барча МЗСлари тўплами λX орқали белгиланади.

Қуйидаги кўринишдаги барча тўпламлар оиласи λX тўпламда тология базасини аниқлайди:

$$O(U_1, U_2, \dots, U_n) = \{\xi \in \lambda X : \forall i = 1, \dots, n, \exists F_i \in \xi, F_i \subset U_i\}$$

бу ерда $U_1, U_2, \dots, U_n$ – X фазонинг очик тўпламларидан иборат кетма-кетлик.

Қуйидаги таърифлар Т.Махмудга тегишлидир:

Таъриф 1.1.1. Топологик фазонинг камида битта чекли элементга эга бўлган максимал занжирланган системаси юпқа максимал занжирланган система (ЮМЗС) деб аталади.

Таъриф 1.1.2. Топологик фазо X нинг юпқа суперядроти (ёки юпқа суперкенгайтмаси) деб қуйидаги фазога айтилади:

$$\lambda^* X = \{\xi \in \lambda X : \xi - \text{ЮМЗС}\}.$$

Таъриф 2.1.1. Топологик фазонинг ҳеч бўлмаганда битта компакт элементга эга бўлган максимал занжирланган системаси компакт максимал занжирланган система (КМЗС) деб аталади.

X топологик фазонинг компакт суперядроти (ёки компакт суперкенгайтмаси) деганда қуйидаги фазо тушунилади:

$$\lambda_c X = \{\xi \in \lambda X : \xi - \text{КМЗС}\}.$$

Теорема 2.1.2. Айтайлик τ ихтиёрий чексиз кардинал сон бўлсин. Ҳар қандай X стратифик фазо учун қуйидаги шартлар ўзаро тенг кучлидир:

- 1) X фазо қуввати τ дан ошмайдиган зич тўпламга эга;
- 2) X фазонинг сустр зичлиги τ дан ошмайди;
- 3) X фазонинг ҳар қандай очик қопламаси қуввати τ дан ошмайдиган қисм қопламага эга;
- 4) X фазонинг ҳар қандай дизъюнкт очик қисм тўпламининг қуввати τ дан ошмайди;
- 5) X фазо қуввати τ дан ошмайдиган тўрга эга;
- 6) X фазо қуввати τ дан ошмайдиган π -тўрга эга.

Натижа 2.1.1. Ҳар қандай X стратифик фазо учун қуйидаги шартлар ўзаро тенг кучлидир:

- 1) X – сепарабел фазо;
- 2) X – сушт сепарабел фазо;
- 3) X – финал компакт фазо;
- 4) X фазо Суслин шартини қаноатлантиради;
- 5) X фазо санокли тўрга эга;
- 6) X фазо санокли π -тўрга эга.

Теорема 2.1.3. Ҳар қандай X T_1 -фазо учун қуйидагилар ўринли:

$$1) \pi w(\lambda_c X) = \pi w(X);$$

$$2) \pi \chi(X) \leq \pi \chi(\lambda_c X).$$

Теорема 2.1.4. Ҳар қандай X чексиз Тихонов фазоси учун қуйидаги тенгликлар ўринли:

$$wd(X) = wd(\lambda^* X) = wd(\lambda_c X) = wd(\lambda X).$$

Ҳар қандай максимал занжирланган системаси сепарабел элементга эга бўлган топологик фазо d_ω -суперядроли фазо деб аталади. Т.Махмуд томонидан қуйидаги муаммо ўртага ташланган: Ҳар қандай чексиз T_1 -фазо d_ω -суперядроли бўладими?

Диссертацияда Т.Махмуд томонидан қўйилган бу масалага инкор жавоби берилган (мисол 2.1.1).

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида топологик фазоларнинг локал сушт зичлиги тадқиқ этилган. Локал сушт зичлик хоссасини образ ва прообраз томонига сақловчи акслантиришлар синфлари ўрганилган. Келтирилмас ва мукамал акслантиришлар чексиз топологик фазоларнинг локал сушт зичлигини сақлаши исбот қилинган. Қолаверса, гиперфазолар функтори $\exp$ компакт фазоларнинг локал сушт зичлигини сақлаши исботланган.

Айтайлик X – топологик T_1 -фазо бўлсин. Бу фазонинг барча бўш бўлмаган ёпиқ қисм тўпламларидан иборат оила $\exp X$ орқали белгиланади. Қуйидаги кўринишдаги барча тўпламалар оиласи $\exp X$ тўпламда топология базасини ташкил этади:

$$O\langle U_1, \dots, U_n \rangle = \left\{ F : F \in \exp X, F \subset \bigcup_{i=1}^n U_i, F \cap U_i \neq \emptyset, i = 1, 2, \dots, n \right\},$$

бу ерда $U_1, \dots, U_n$ лар – X фазонинг очик тўпламлари. Бу аниқланган топология Виеторис топологияси деб аталади, $\exp X$ тўплам эса Виеторис топологияси билан биргаликда X фазонинг экспоненциал фазоси ёки гиперфазоси деб номланади. Гиперфазо $\exp X$ нинг қуйидаги қисм тўпламларини қараймиз:

$$\exp_n X = \{ F \in \exp X : |F| \leq n \},$$

$$\exp_{\omega} X = \{ F \in \exp X : |F| < \infty \},$$

$$\exp_c X = \{ F \in \exp X : F - \text{компакт} \}.$$

Маълумки, $\exp$ ва $\exp_n$ операциялари ковариант функторлар ҳосил қилади.

Диссертация ишидаги гиперфазоларга оид натижалар қуйидагиларда ўз аксини топган.

Теорема 2.2.1. Айтайлик X – локал сушт τ -зич фазо, G эса унинг бирор қисм тўплами бўлсин. Агар G тўплам қуйидаги

- а) G тўплам X да очиқ;
- а) G тўплам X да зич;
- а) G тўплам X да каноник ёпиқ,

шартлардан ҳеч бўлмаганда биттасини қаноатлантирса, у ҳолда G тўплам X фазодан индуцирланган топология билан бирга локал сушт τ -зич фазо бўлади.

Теорема 2.2.2. Ҳар қандай X стратифик фазо учун

$$ld(X) = lwd(X)$$

тенглик ўринли.

Теорема 2.2.3. Айтайлик $f - X$ фазони Y фазога ўтказувчи мукамал акслантириш бўлсин. У ҳолда қуйидаги тенгсизлик ўринли:

$$lwd(Y) \leq lwd(X).$$

Теорема 2.2.5. Айтайлик $f - X$ фазони Y фазога ўтказувчи мукамал ва келтирилмас акслантириш бўлсин. У ҳолда қуйидаги тенглик ўринли:

$$lwd(Y) = lwd(X).$$

Теорема 2.2.6. Ихтиёрий чексиз X T_1 -фазо учун қуйидаги тенгликлар ўринли:

$$lwd(X) = lwd(\exp_n X) = lwd(\exp_{\omega} X) = lwd(\exp_c X).$$

Натижа 2.2.2. Ушбу $\exp_n$ ва $\exp$ функторлар компакт фазоларнинг локал сушт зичлигини сақлайди.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфида чекли элтувчи эҳтимол ўлчовлари функтори компакт фазоларнинг зичлигини сақлаши исбот қилинган.

Айтайлик $F : \text{Comp} \rightarrow \text{Comp}$ – сушт нормал функтор ва $X \in \text{Ob}(\text{Tych})$ бўлсин. Қуйидаги тўпламни ҳосил қиламиз:

$$F_{\beta}(X) = \{ x \in F(\beta X) : \text{supp}(x) \subseteq X \}.$$

Тихонов фазолари категорияси $Tych$ дан олинган $f: X \rightarrow Y$ морфизм учун қуйдагича акслантириш аниқлаймиз: $F_\beta(f) = F(\beta f)|_{F_\beta(X)}$, бу ерда $\beta f: \beta X \rightarrow \beta Y - f$ акслантиришнинг Стоун-Чех маъносидаги давоми. F функторнинг сушт нормал эканлигидан фойдаланиб, $F_\beta(f)$ акслантириш коррект аниқланганлигини, яъни $F(\beta f)F_\beta(X) \subseteq F_\beta(Y)$ шарт бажарилишини кўрсатиш мумкин. Шунингдек, F^β конструкциянинг $Tych$ категорияда таъсир қилувчи ковариант функтор эканлигига қийинчиликсиз ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Ҳар қандай X Тихонов фазоси учун қуйдаги тўпламларни қараймиз:

$F_n(X) = \{\mu \in F_\beta(X) : |\text{supp}(\mu)| \leq n\}$, бу ерда n – натурал сон,

$F_\omega(X) = \{\mu \in F_\beta(X) : |\text{supp}(\mu)| < \infty\}$. Равшанки, $F_\omega(X) = \bigcup_{n=1}^{\infty} F_n(X)$.

Чекли дискрет $X = \{1, 2, \dots, n\}$ фазо учун $F(X) = F(n)$ деб оламиз.

Бу параграфда исботланган фактлардан қуйдаги асосий натижа келиб чиқади.

Теорема 2.3.3. Ҳар қандай X чексиз компакт ва $n \in \mathbb{N}$ натурал сон учун қуйдаги тенгликлар ўринли:

$$d(X) = d(P_n(X)) = d(P_\omega(X)).$$

Иккинчи бобнинг тўртинчи параграфида чекли элтувчи ярим аддитив функционаллар ўрганилган. В.Н.Басманов акслантириши $\pi_{OS,X}: X^n \times OS(n) \rightarrow OS_n(X)$ нинг $X^n \times OS(n)$ ни $OS_n(X)$ га ўтказувчи сюръектив акслантириш эканлиги исботланган, бу ерда OS – ярим аддитив функционаллар функтори, X – Тихонов фазоси ҳамда n – натурал сон. Натижа сифатида OS_n функтор чексиз Тихонов фазоларининг Шанин сони ҳамда олд Шанин сонини орттирмаслиги кўрсатилган.

Теорема 2.4.1. Айтайлик X – ихтиёрий чексиз Тихонов фазоси бўлсин. У ҳолда қуйдаги тенгсизликлар ўринли:

$$1) sh(OS_n(X)) \leq sh(X);$$

$$2) psh(OS_n(X)) \leq psh(X).$$

Тасдиқ 2.4.3. Айтайлик X – ихтиёрий чексиз Тихонов фазоси бўлсин. У ҳолда қуйдаги тенгсизликлар ўринли:

$$1) d(X) \leq d(O_n(X));$$

$$2) d(X) \leq d(OS_n(X)).$$

Тасдиқ 2.4.4. Айтайлик X – ихтиёрий чексиз Тихонов фазоси бўлсин. У ҳолда қуйдаги тенгсизликлар ўринли:

$$1) d(X) \leq d(O_\omega(X));$$

$$2) d(X) \leq d(OS_\omega(X)).$$

Р.Б.Бешимов томонидан ихтиёрий F суғ нормал функтор Тихонов фазолар зичлигини орттирмаслиги исботланган. Худди шундай тасдиқ ярим аддитив функционаллар функтори учун ҳам ўринли. Диссертация ишида ярим аддитив функционаллар функторининг зичликни сақлаши ҳақидаги масала қисман ечилган.

Натижа 2.4.2. Ҳар қандай X чексиз Тихонов фазоси учун қуйидаги тенгликлар ўринли:

$$d(X) = d(OS_n(X)) = d(OS_\omega(X)).$$

Диссертациянинг **“Ярим аддитив функционаллар функторининг топологик ва категория хоссалари”** деб номланувчи учинчи бобида Тихонов фазолари категорияси $Tych$ да таъсир этувчи ҳамда $OS: Comp \rightarrow Comp$ ярим аддитив функционаллар функторини давом эттирувчи ярим аддитив τ -силлиқ функционаллар функтори OS_τ аниқланган. OS_τ функтор O_τ функтордан фарқли равишда прообразлар ҳамда Тихонов фазоларининг ёпиқ тўпламлари кесишмасини сақлаши, яъни нормал функтор эканлиги исбот қилинган. Бундан ташқари ярим аддитив τ -силлиқ функционаллар функтори OS_τ монадик функтор эканлиги кўрсатилган.

Учинчи бобнинг биринчи параграфида $\nu_A \in OS(\beta X)$ ярим аддитив τ -силлиқ функционал τ -силлиқ эҳтимол ўлчовлари фазосининг $A \subset P_\tau(X)$ қавариқ компакт қисм тўплами орқали бир қийматли аниқланиши исботланган.

Таъриф 3.1.1. Ҳар қандай монотон камаювчи ва нолга яқинлашувчи $\{\varphi_\alpha\} \subset C(\beta X)$ тўр учун $\mu(\varphi_\alpha) \rightarrow 0$ шартни қаноатлантирувчи $\mu \in O(\beta X)$ функционал τ -силлиқ функционал деб аталади.

Тихонов фазоси X учун $O(\beta X)$ дан олинган барча ярим аддитив τ -силлиқ функционаллар тўпламини $OS_\tau(X)$ орқали белгилаймиз. Бу $OS_\tau(X)$ тўпланда $OS(\beta X)$ фазодан индуцирланган топология қаралади. Равшанки, ҳар қандай X Тихонов фазоси учун

$$P_\tau(X) \subset OS_\tau(X) \subset O_\tau(X)$$

муносабатлар ўринли.

Ҳар қандай X Тихонов фазоси учун қуйидаги

$$OS_\beta(X) \subset OS_\tau(X) \subset OS(\beta X)$$

муносабатлар, ҳар қандай компакт фазо учун эса

$$OS_\beta(X) = OS_\tau(X) = OS(\beta X)$$

тенгликлар ўринлидир.

Ушбу OS_τ конструкция Тихонов фазолар категорияси $Tych$ да таъсир этувчи ковариант функтор ҳосил қилади.

Тасдиқ 3.1.1. Ушбу $\nu_A \in OS(\beta X)$ ярим аддитив функционалнинг τ -силлиқ бўлиши учун $A \subset P_\tau(X)$ бўлиши зарур ва етарли.

Учинчи боб иккинчи параграфининг асосий натижалари қуйидагилардан иборат.

Теорема 3.2.4. Ушбу $OS_\tau : Tych \rightarrow Tych$ функтор мукаммал акслантиришлар синфини сақлайди.

Теорема 3.2.8. Ушбу $OS_\tau : Tych \rightarrow Tych$ функтор нормал функтор бўлади.

Теорема 3.2.9. Ушбу $OS_\tau : Tych \rightarrow Tych$ функтор Тихонов фазолар категориясида монадик функтор бўлади.

ХУЛОСА

Ушбу диссертация иши ярим аддитив функционаллар фазосининг кардинал ва топологик хоссаларини ўрганишга бағишланган. Диссертация ишида қўлга киритилган асосий натижалар қисқача қуйидагилардан иборат:

стратифик фазолар учун Лиделёф сони, зичлик, сустр зичлик, Суслин сони, тўр салмоғи ва π -тўр салмоғи ўзаро тенг эканлиги исботланган;

келтирилмас ва мукаммал акслантириш чексиз топологик фазоларнинг локал сустр зичлигини сақлаши исботланган;

чекли элтувчили эҳтимол ўлчовлар функтори зичлик хоссасини сақлаши исботланган;

В.Н.Басманов акслантириши $\pi_{OS,X} : X^n \times OS(n) \rightarrow OS_n(X)$ нинг $X^n \times OS(n)$ ни $OS_n(X)$ га ўтказувчи сюръектив акслантириш эканлиги исботланган, бу ерда X – Тихонов фазоси, n – натурал сон. Натижа сифатида OS_n функторнинг чексиз Тихонов фазоларининг Шанин сони ҳамда олд Шанин сонини орттирмаслиги кўрсатилган;

Тихонов фазолари категорияси $Tych$ да таъсир этувчи ҳамда OS ярим аддитив функционаллар функторини давом эттирувчи ярим аддитив τ -силлиқ функционаллар функтори OS_τ аниқланган;

ушбу OS_τ функтор O_τ функтордан фарқли равишда прообразлар ҳамда Тихонов фазоларининг ёпиқ тўпламлари кесишмасини сақлаши, яъни нормал функтор эканлиги исбот қилинган;

ярим аддитив τ -силлиқ функционаллар функтори OS_τ монадик функтор эканлиги кўрсатилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.FM.01.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА, ИНСТИТУТЕ МАТЕМАТИКИ**

ИНСТИТУТ МАТЕМАТИКИ

МАМАДАЛИЕВ НОДИРБЕК КАМОЛДИНОВИЧ

**КАРДИНАЛЬНЫЕ И ТОПОЛОГИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА
ПРОСТРАНСТВА ПОЛУАДДИТИВНЫХ ФУНКЦИОНАЛОВ**

01.01.04 – Геометрия и топология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ-2019

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.2.PhD\FM95.

Диссертация выполнена в Институте Математики имени В.И.Романовского.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ik-fizmat@nuu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Бешимов Рузиназар Бебутович доктор физико-математических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Владимир Иванович Чилин доктор физико-математических наук, профессор Жураев Турсунбай Файзиевич кандидат физико-математических наук, доцент
Ведущая организация:	Ташкентский архитектурно-строительный институт

Защита диссертации состоится «____» _____ 2019 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.FM.01.01 при Национальном университете Узбекистана, института Математики. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871)227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №____). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Автореферат диссертации разослан «____» _____ 2019 года.
(протокол рассылки №_____ от «____» _____ 2019 года).

А.Садуллаев

Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.ф.-м.н., профессор, академик

Г.И. Ботиров

Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, к.ф.-м.н.

А.Я.Нарманов

Председатель научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней,
д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Многие научные и практические исследования на мировом уровне, во многих случаях, сводятся к изучению задач теории полуаддитивных функционалов и ковариантных функторов. Сравнение кардинальных инвариантов пространства полуаддитивных функционалов с компактными носителями является объектом исследований в таких областях, как функциональный анализ, геометрия и топология. Сравнение кардинальных чисел пространства полуаддитивных функционалов с кардинальными инвариантами при нахождении условий для сравнения кардинальных чисел топологических пространств служит основой для нахождения кардинальных чисел заданного пространства. Поэтому изучение кардинальных и топологических свойств пространства полуаддитивных функционалов является одной из важнейших задач пространства слабых функционалов, алгебраической топологии и теории кардинальных инвариантов. А также, полученные по этому направлению результаты имеют и теоретической, и практической значимостью и считаются одним из важнейших областях современной математики.

В настоящее время, в мире, одной из актуальных проблем современной топологии является решение проблем общей топологии, пространства полуаддитивных функционалов, теории кардинальных инвариантов и ковариантных функторов. Важно исследовать такие кардиналы как плотность, вес, числа Шанина и предшанина, локальная слабая плотность пространства полуаддитивных функционалов с компактными носителями. В связи с этим сравнения кардиналов пространства полуаддитивных функционалов с компактными носителями и нахождения условий для равных кардинальных инвариантов являются важными научными исследованиями, направленные для нахождения продолжения функтора полуаддитивных функционалов из категории компактных пространств до категории тихоновских пространств.

В нашей стране было уделено особое внимание актуальным аспектам геометрии и топологии, которые имеют научные и практические применения в фундаментальных науках. Особое внимание было уделено изучению теории кардинальных инвариантов и теории функторов в топологических пространствах. Значительные результаты были достигнуты в отношении сохранения топологических, геометрических и кардинальных свойств полуаддитивных функционалов и пространства вероятностных мер. Проведение научных исследований на международном уровне по важным направлениям специальности «Функциональный анализ, геометрия и топология» рассматривается как основная задача фундаментальных исследований.¹ Развитие топологической теории решения задач алгебры и функционального анализа играют важную роль при исполнении этого постановления.

¹ Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 мая 2017 года №292 «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений Академии наук Республики Узбекистан»

Тема и объект исследования настоящей диссертации находится в русле задач, обозначенных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № УП-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности», № ПП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» и № ПП-3682 от 27 апреля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов», а также в других нормативно-правовых актах, касающихся фундаментальной науки.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

Степень изученности проблемы. Исследование ковариантных функторов в категории топологических пространств с непрерывными отображениями в качестве морфизмов, началось с момента возникновения топологии как отдельная область математики. При этом функториальной операцией является тихоновское произведение. Если рассмотреть функторы в категории компактных пространств, то, более классическим, примером является функтор взятие экспоненты, появление которого связано с именами Хаусдорфа и Вьеториса.

В работах Е.В.Щепина построена далеко продвинутая и очень содержательная общая теория ковариантных функторов. Он выделил ряд естественных и малоограничительных свойств функторов и дал определение нормального функтора. Т.Радул начал исследовать функтор слабо аддитивных сохраняющих порядок нормированных функционалов в категории компактов и их непрерывных отображений. Он показал, что этот функтор не является нормальным и, следовательно, исследование этого функтора намного сложнее, чем исследование нормальных функторов. Появление этого функтора также связано с тем, что, в последнее время, развивается теория нелинейных функционалов.

